

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ БИОФИЗИКА ВА
БИОКИМЁ ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.V.01.13 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БИОФИЗИКА ВА БИОКИМЁ ИНСТИТУТИ

РУСТАМОВА ШОХИСТА ОМОНЖОНОВНА

**САРАТОН КАСАЛЛИКЛАРИДА *HER2/NEU* ГЕНИНИНГ МИҚДОРИЙ
ВАРИАНТЛАРИНИ ТАДҚИҚ ҚИЛИШ**

03.00.01 – Биокимё

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Рустамова Шохиста Омонжоновна Саратон касалликларига <i>HER2/neu</i> генининг микдорий вариантларини тадқиқ қилиш.....	3
Рустамова Шохиста Омонжоновна Исследование количественных вариантов гена <i>HER2/neu</i> при опухолевых заболеваниях.....	21
Rustamova Shokhista Omonjonovna Investigating of quantitative variants of the <i>HER2/neu</i> gene in cancer diseases.....	39
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.	42

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ БИОФИЗИКА ВА
БИОКИМЁ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.В.01.13 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БИОФИЗИКА ВА БИОКИМЁ ИНСТИТУТИ

РУСТАМОВА ШОХИСТА ОМОНЖОНОВНА

**САРАТОН КАСАЛЛИКЛАРИДА *HER2/NEU* ГЕНИНИНГ МИҚДОРИЙ
ВАРИАНТЛАРИНИ ТАДҚИҚ ҚИЛИШ**

03.00.01 – Биокимё

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.2.PhD/B292 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги Биофизика ва биокимё институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида www.ibb-nuu.uz ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Турдикулова Шахлохон Уткуровна
биология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Юлдашев Насирджан Мухамеджанович
биология фанлари доктори, профессор

Мухамедов Рустам Султанович
биология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Геномика ва биоинформатика маркази

Диссертация химояси Ўзбекистон Миллий университети Биофизика ва биокимё институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.B.01.13 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «14» октябрь соат 14.00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Талабалар шаҳарчаси, Университет кўчаси, 174-уй. Тел.: (99871) 246-68-96.

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университети Биофизика ва биокимё институти ҳузуридаги Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№20 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Талабалар шаҳарчаси, Университет кўчаси, 174-уй. Тел.: (99871) 246-68-96, e-mail: ibb-nuu@mail.ru.

Диссертация автореферати 2020 йил «29» сентябрь кuni тарқатилди (2020 йил «29» сентябрь даги 1 рақамли реестр баённомаси).



Сабилов Равшан Заирович
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, б.ф.д., академик

Позилов Маъмуржон Комилжонович
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби в.б., б.ф.д., катта илмий ходим

Кадирова Дилбар Абдуллаевна
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, б.ф.д., профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ҳозирги кунда саратон касаллиги энг хавфли касалликлардан бири бўлиб, кўкрак беги саратони дунё миқёсида ўпка саратонидан кейин иккинчи ўринда (2,09 млн ҳолат), ошқозон саратони олтинчи ўринда (1,03 млн ҳолат) туради. Кўкрак беги саратони ва ошқозон саратонининг ўсимта маркёрларидан бири *HER2/neu* бўлиб, унинг гиперэкспрессияси ва/ёки амплификациясининг кучайиши кўкрак беги саратони касаллигининг 15-30% ида ва ошқозон саратони касаллигининг 9-15% ида аниқланган. *HER2* статусини аниқлашнинг мақбул диагностика усуллари ишлаб чиқиш, касалликнинг ҳар бир ҳолатида алоҳида ёндашув асосида таргет (нишон) терапияли даволаш усулини танлаш, шу жумладан, қиммат ва кўпинча токсик дори-дармонларни тайинланишини бартараф этишда муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳонда йирик илмий тадқиқот марказларида олиб борилаётган тажрибаларда *HER2/neu* статусини аниқлашнинг мақбул диагностика усуллари ишлаб чиқиш борасида ген экспрессияси, мРНК гиперэкспрессияси ва оксил экспрессиясига асосланган усулларни такомиллаштириш юзасидан тадқиқотлар олиб борилган. Ҳозирги вақтда *HER2* активациясини баҳолашнинг самарали методлари бўлиб иммуногистокимё усули, онкоген амплификация даражасини аниқлаш имконини берадиган флуоресцент *in situ* гибридизацияси (FISH) ва хромоген *in situ* гибридизацияси (CISH) йўлга қўйилган. Бироқ, махсус жиҳозларнинг етишмаслиги ва реагентларнинг қиммат баҳоси иммуногистокимё, FISH/CISH технологияларини мунтазам фойдаланилишини чегаралайди. *HER2* статусини ДНК даражасида аниқлаш учун самардорлиги, юқори даражада сезгирлиги ва намунадаги ДНКнинг минимал миқдори билан натижани олиш имкониятига эгаллиги билан ажралиб турадиган айна вақтдаги полимераза занжир реакцияси (ПЗР) асосида амалга ошириладиган янги тартибини ишлаб чиқишни тақозо этади.

Мамлакатимизда саратон ўсимта тўқимасида *HER2/neu* генининг миқдорини аниқлаш усуллари ишлаб чиқилган. Мазкур йўналишда амалга оширилган чора тадбирлар асосида муайян натижаларга, хусусан, саратон касалликларини даволашда нишон терапияни қўллаш имкониятини баҳолаш самарадорлигини оширишга эришилган. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш» ва «аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш»¹ вазибалари белгиланган. Бу борада, саратон касалликларида *HER2/neu* генининг миқдорий вариантларини аниқлаш, касалликнинг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқлигини аниқлаш ёрдамида тест системаларни

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги ПФ-4947-сонли фармони

ишлаб чиқиш ҳамда тадқиқот усуллари жорий қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида»ги ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 августдаги ПҚ-3894 сон «Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлашни бошқаришнинг инновацион моделини жорий этиш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устивор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг устивор йўналишларидан VI. «Тиббиёт ва фармакология» устивор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳозирги кунда дунёнинг кўплаб илмий-тадқиқот марказларида саратон касалликларида *HER2/neu* статусини аниқлаш бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда. Сўнгги йилларда хужайра даражасида *HER2/neu* гени устидаги экспериментал тадқиқотлар, хусусан, флуоросцент *in situ* гибридланиши (FISH) ва хромоген *in situ* гибридланиши (CISH), шунингдек, иммуногистохимёвий (ИГК) ва ПЗР таҳлил усуллари ривожланиши туфайли сезиларли ютуқларга эришилган.

МДХ мамлакатларида Э.Х. Имянитов, Н.У. Маценко, В.С. Рыжикова, С.П. Коваленколар кўкрак беги саратонида *HER2/neu* статусини аниқлаш бўйича иммуногистохимё усули ёрдамида қатор тадқиқотлар ўтказган. Аммо эришилган ютуқларга қарамай, *HER2/neu* генини миқдорий ўзгариши механизмлари билан боғлиқ бир қатор масалалар ўз ечимини кутмоқда.

Республикада Абдувалиев А.А. томонидан ўсимта хужайралари пролиферацияси бошқарилиши бўйича тадқиқотлар ўтказилган. Бироқ, ПЗР асосида ўсма касалликлари учун *HER2/neu* генининг миқдорий вариантлари ўрганилмаган. Кўкрак беги ва ошқозон саратони *HER2*-мусбат ўсмаларининг биологик хусусиятларини ўрганиш, шунингдек, *HER2/neu* онкогени статусини баҳолашда оптимал диагностика усуллари танлаш зарурат бўлиб қолмоқда. *HER2/neu* статусини аниқлаш учун маҳаллий тест системаларни ишлаб чиқиш истиқболли соҳа ҳисобланиб, бу замонавий илм-фан ютуқларига асосланган юқори технологияли ҳамда ресурсларни тежайдиган, жаҳон аналогларига мос келадиган янги технологиядир.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий тадқиқот режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация тадқиқоти Илғор технологиялар марказининг илмий – тадқиқот ишлари режасининг ЁА-10-005 «Ошқозон саратонининг *HER2* мусбат вариантыга тест ўтказиш усулини ишлаб чиқиш» (2016-2017) мавзусидаги амалий илмий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади саратон касалликларида нишон терапияни қўллаш учун маркер сифатидаги *HER2/neu* гени миқдорини аниқлаш усулининг янги тартибини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ошқозон саратони ва кўкрак беzi саратони ташхиси тасдиқланган беморларнинг қон ва ўсимта тўқимаси намуналарини ва уларнинг клиник тавсифи маълумотлари банкини яратиш;

ўсимта тўқимаси намуналаридан ДНК олиш усулини танлаш ва оптималлаштириш;

ошқозон ва кўкрак беzi саратони намуналарида *HER2/neu* гени миқдорини аниқлаш учун интеркалорловчи *SYBR Green* бўёғи ёрдамида ва гибридловчи *TaqMan* зондларидан фойдаланган ҳолда айни вақтдаги ПЗР усули тартибини ишлаб чиқиш;

иммуногистокимёнинг натижалари билан ПЗР *SYBR Green* ва ПЗР *TaqMan* ўтказиш тартиблари натижаларини қиёсий таҳлил қилиш;

HER2 статуси ва кўкрак беzi саратони ва ошқозон саратони ташхиси тасдиқланган беморлар намуналарининг биокимёвий мезонлари кўрсаткичлари ҳамда касаллик хусусиятлари ўртасидаги боғлиқликни ўрганиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида кўкрак беzi ва ошқозон саратони ташхиси тасдиқланган беморларнинг қон ва ўсимта тўқималарининг намуналари, шунингдек, ошқозон саратони хужайра линиялари (*AGS(gastric adenocarcinoma)*) и *HGE(human gastric epithelia)* олинган.

Тадқиқотнинг предмети нормал ва патологик ҳолатдаги хужайраларда *HER2/neu* гени нусхалари миқдорини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот ишини бажаришда намуналардан нуклеин кислоталарни ажратиш, спектрофотометрия, генларни амплификация қилиш, гель-электрофорез усуллари ҳамда иммуногистокимё, калориметрия усуллари натижаларидан, шунингдек, статистик дастурлардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ўсимта тўқималаридан айни вақтдаги ПЗР да қўллаш учун яроқли кўп миқдорда сифатли ДНК ажратиш усулининг янги самарали тартиби аниқланган;

кўкрак беzi ва ошқозон саратони намуналарида *HER2/neu* генининг миқдорини аниқлаш учун интеркалорловчи *SYBR Green* бўёқ ёрдамида ва *TaqMan* гибридловчи зондларидан фойдаланган ҳолда айни вақтдаги ПЗР ўтказишнинг янги тартиблари ишлаб чиқилган;

айни вақтдаги ПЗР асосида *HER2/neu* генининг миқдори учун чегара қиймати аниқланган;

HER2 статуси билан кўкрак беши ва ошқозон саратони касалликлари биокимёвий мезонлари ҳамда касаллик хусусиятлари ўртасида боғлиқлик йўқлиги аниқланган.

Тадқиқотларнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

кўкрак беши ва ошқозон саратони ҳолатларида қисқа вақт ичида ПЗР усулининг янги тартиби орқали *HER2/neu* генининг миқдорини аниқлаш мумкинлигини исботланган;

HER2/neu генининг миқдорини аниқлаш учун айна вақтдаги ПЗР усулининг интеркалорловчи *SYBR Green* бўёғи ва гибридизацияловчи *TaqMan* зондларидан фойдаланиладиган янги тартиблари ишлаб чиқилган;

иммуногистокимё усулининг ПЗР *SYBR Green* билан 87,5%, ПЗР *TaqMan* 93,75% га мос келишлиги аниқланган;

саратон касалликларида *HER2/neu* генининг миқдорини аниқлашда *TaqMan* гибридловчи зондларидан фойдаланган ҳолда айна вақтдаги ПЗР ўтказиш протоколи сезгирлиги ва спецификлиги юқори эканлиги аниқланган;

саратон касалликларида *HER2* статуси билан беморлардан олинган намуналарнинг биокимёвий мезонлари ҳамда касалликлар характеристикаси ўртасида статистик аҳамиятли боғлиқлик ($p > 0,05$) мавжуд эмаслиги аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотларда замонавий биофизик-биокимёвий, электрофизиологик тадқиқот усуллари қўллаш орқали олинганлиги, натижалар таҳлили замонавий компьютер дастури ёрдамида таҳлил қилинганлиги билан тасдиқланади. Олинган натижаларнинг исботи уларнинг республика ва халқаро анжуманлардаги муҳокамаси, натижалар рецензияланган илмий нашрларда чоп этилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ўсимта тўқималаридан ДНК ажратиш бўйича самарали усул танлаб олингани ва такомиллаштирилгани, кўкрак беши ва ошқозон саратони касалликларида *HER2/neu* генининг миқдорини аниқлаш учун интеркалорловчи *SYBR Green* бўёғи ёрдамида ва гибридловчи *TaqMan* зондларидан фойдаланган ҳолда айна вақтдаги ПЗР ўтказишнинг янги тартиблари ишлаб чиқилгани, уларнинг стандартлашган аналог усул – иммуногистокимё натижалари билан қиёсий таҳлил қилингани, шунингдек, *HER2* статуси билан саратон касалликлари биокимёвий мезонлари ва хусусиятлари ассоциациясига эга эмаслиги аниқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, саратон касалликларида *HER2/neu* генининг миқдорини аниқлаш мумкинлигини, айна вақтдаги ПЗР усулларида республикамиз клиникаларида фойдаланиб, *HER2/neu* генининг миқдорини аниқлаш мумкинлиги билан изоҳланади. Саратон касалликларида интеркалорловчи *SYBR Green* бўёқ ёрдамида ва *TaqMan* гибридловчи зондларидан фойдаланган ҳолда айна вақтдаги ПЗР ўтказиш протоколлари *HER2/neu* генининг миқдорини аниқлаш тест системасини яратиш учун асос бўлади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Саратон касалликларида *HER2* гени миқдорий вариантларини тадқиқ қилиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

саратон касалликларида *HER2* гени миқдорий вариантларини аниқлаш учун ишлаб чиқилган *TaqMan* ҳамда *SYBR Green* ПЗР ўтказиш тартибидан А-10-007 рақамли «Саратон касалликларида таргет терапияни қўллаш имконини баҳолаш учун ўсимта турлари молекуляр характеристикаси диагностик панелини ишлаб чиқиш» мавзусидаги лойиҳада диагностик панелни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Инновация вазирлигининг 2020 йил 08 июльдаги 05-05/2677-сонли маълумотномаси). Натижада, ўсимта турлари молекуляр характеристикаси диагностик панелини ишлаб чиқиш имконини берган;

ўсимта тўқимасидан юқори сифат ва миқдорда эга бўлган ДНК эритмасини ажратиб олиш тартибидан МУ-ПЗ-20171025473 рақамли «Кўкрак беги саратони касалликларида метилланиш статусини аниқлашда ДНК бисульфит конверсияси учун реагентлар ишлаб чиқиш» мавзусидаги лойиҳада бирламчи намуна тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Инновация вазирлигининг 2020 йил 8 июльдаги 05-05/2677-сонли маълумотномаси). Натижада, мазкур тартиб ДНК бисульфит конверсияси учун фойдаланиладиган намуналарни тайёрлашнинг биринчи босқичини ўтказиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари асосида 3 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикасининг Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 2 таси хорижий ва 4 таси республика журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертациянинг тузилиши кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 114 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Саратон касалликларининг умумий характеристикаси» деб номланган биринчи бобида ошқозон ва кўкрак беги саратони касалликлари ҳар томонлама таҳлил қилиниб, мавжуд ҳолатга илмий нуқтаи назардан баҳо берилган. Мазкур бобда ошқозон ва кўкрак беги саратони касалликлари молекуляр механизмлари ҳақидаги замонавий тасаввурлар, салбий сифатли трансформация маркери сифатида *HER2/neu* гени таҳлил қилинган, унинг статусини аниқлашнинг замонавий усуллари ҳақида маълумот берилган. Саратон касалликларини даволашда таргет терапиянинг қўлланилиши тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «*HER2/neu* гени миқдорини аниқлашда қўлланилган замонавий усуллар» деб номланган иккинчи бобида тадқиқотларни олиб бориш босқичлари, уларнинг бажарилишида фойдаланилган материаллар ва услублар келтирилган. Хусусан, тадқиқотлар учун Ўзбекистон ҳудудида яшайдиган 58 нафар ошқозон саратони билан оғриган 35–82 ёш (ўртача 56 ± 2 ёш) оралиғидаги беморлар ҳамда 16 нафар кўкрак беги саратони билан оғриган 37–80 ёш (ўртача 55 ± 2 ёш) оралиғидаги беморлар намуналари олинган. Бундан ташқари, ошқозон саратонининг *AGS* (*gastric adenocarcinoma*) ва *HGE* (*human gastric epithelia*) хужайра линияларидан фойдаланилган. Илмий тадқиқотни бажаришда ДНК ажратиш, гель-электрофорез, спектрофотометрия, полимераза занжирий реакцияси (ПЗР) усуллари ҳамда иммуногистохимё, калориметрия усуллари натижаларидан, шунингдек, статистик дастурлардан фойдаланилган.


Диссертациянинг «*HER2/neu* генининг миқдорий анализи» номли учинчи бобида саратон касалликлари ўсимта тўқимасидан ДНК ажратиш методикаси, айти вақтдаги ПЗР асосида *HER2* статусини аниқлаш методикаси ишлаб чиқилган ва айти вақтдаги ПЗР натижалари билан иммуногистохимё усули натижалари қиёсий таҳлил қилинган.

Саратон касалликларида ўсимта тўқималаридан айти вақтдаги ПЗР да қўллаш учун яроқли юқори сифат ва миқдорга эга ДНК ажратишнинг янги самарали протоколи ишлаб чиқилган. Бунда, қатор усулларни қўллаш орқали колонкали усулда Biospin Genomic DNA Extraction kit реагентлар тўпламидан фойдаланган ҳолда ДНК ажратиш усули танлаб олинган. Мазкур усулда ДНК ажратиш протокоliga қўшимча равишда механик майдалашни амалга ошириш ҳамда ксилол ва спиртдан фойдаланган ҳолда депарафинизацияни амалга ошириш босқичлари амалга оширилган. Натижада нисбатан юқори сифат ва миқдорга эга ДНК эритмаси ажратиб олинган. Ажратиб олинган ДНК контцентрацияси спектрофотометрда ўлчанган.

Кўкрак беги ва ошқозон саратони ўсимта тўқималарининг хужайра линияларидан ажратилган ДНКдан фойдаланиб *HER2/neu* гени миқдорини аниқлаш учун айти вақтдаги ПЗР *SYBR Green* ва айти вақтдаги ПЗР *TaqMan* протоколларини ишлаб чиқилган. Мазкур протоколлардан фойдаланган ҳолда ошқозон саратонининг иккита хужайра линиялари (*AGS* ва *HGE*), кўкрак беги ва ошқозон саратонининг ўсимта тўқимасидан ажратилган 74

ДНК намуналари, назорат сифатида ишлатилган қондан ажратилган 74 та ДНК намуналари текширилган.

Айни вақтдаги ПЗР протоколларини такомиллаштириш учун *HER2* статуси иммуногистохимёвий усул билан текширилган ошқозон саратонининг иккита *AGS* ва *HGE* хужайра линиялари ишлатилган. *HER2* генига референт ген сифатида β -глобин гени олинган. *HER2* ва β -глобин генлари амплификацияси натижасида айни вақтдаги ПЗР *SYBR Green* протоколи бўйича мазкур генлар миқдорини қиёслашга хизмат қиладиган цикл кўрсаткичлари (*Ct*) орасидаги фарқ *AGS* да $0,03 \pm 0,0039$ ва *HGE* да $5,16 \pm 0,044$ ни ташкил этган ва айни вақтдаги ПЗР ТақМап протоколи бўйича генлар цикл кўрсаткичлари орасидаги фарқ *AGS* да $1,67 \pm 0,046$ ва *HGE* да $5,61 \pm 0,04$ ни ташкил этди. Ушбу кўрсаткичлар айни вақтдаги ПЗР асосида *HER2* статусини аниқлашга имкон беради. *HER2*-мусбат вариантларда ўсимта тўқималарининг *HER2* ва β -глобин генлари *Ct* цикл кўрсаткичлари ўртасидаги фарқ жуда катта бўлиб ($\Delta Ct=5$), бу *HER2* оқсили оверэкспрессиясини англатади, бунинг натижасида ўсимта хужайралари юзасида *HER2* рецепторлари миқдори кўпаяди ва натижада канцерогенез жараёни бошланади. Контроль сифатида фойдаланилган қондан ажратилган ДНК намуналаридаги *HER2* ва β -глобин генлари *Ct* – цикл кўрсаткичлари ўртасидаги фарқ эса одатда кичик бўлади ($\Delta Ct=0,2$) (1-расм).




1-расм. *HER2*-мусбат вариантдаги айни вақтдаги ПЗР натижаси

1-расмда А – қон намунасида ажратилган ДНК намунасининг айни вақтдаги ПЗР натижаси, В – ўсимта тўқимасидан ажратилган ДНК намунасининг айни вақтдаги ПЗР натижаси кўрсатилган.

HER2-манфий вариантларда ўсимта тўқималарининг *HER2* ва β -глобин генлари *Ct* – цикл кўрсаткичлари ўртасидаги фарқ ($\Delta Ct=0,3$), контроль сифатида фойдаланилган қондан ажратилган ДНК намуналаридаги *HER2* ва

β -глобин генлари Ct – цикл кўрсаткичлари ўртасидаги фарқдан ($\Delta Ct=0,1$) узоқ эмас (2-расм).



2-расм. *HER2*-манфий вариантдаги ани вақтдаги ПЗР натижаси

Ушбу кўрсаткичларни иммуногистохимё усули кўрсаткичлари билан қиёсий таҳлили натижалари шуни кўрсатадики, иммуногистохимё усулини тўлдирувчи усул сифатида ПЗРдан ҳам *HER2* статусини аниқлаш учун тест тизими сифатида фойдаланиш мумкин (1-жадвал).

1-жадвал

Хужайра линияларида *HER2* статуси учун ИГК ва ани вақтдаги ПЗР усуллари натижаларини таққослаш (n=3)

Хужайра линиялари	ИГК натижаси	<i>Ct-SYBR Green</i>			<i>Ct-TaqMan</i>			<i>HER2</i> статуси
		<i>HER2</i>	β -globin	ΔCt	<i>HER2</i>	β -globin	ΔCt	
AGS	0	24.64 ± 0.37	24.67 ± 0.41	0.03 ± 0.0039	29.08 ± 0.42	30.75 ± 0.49	1.67 ± 0.046	<i>HER2</i> – манфий
HGE	+3	18.76 ± 0.44	23.92 ± 0.45	5.16 ± 0.044	22.94 ± 0.45	28,55 ± 0.36	5,61 ± 0.041	<i>HER2</i> – мусбат

ПЗР усулининг сифатини баҳолаш учун ROC эгри чизиғи ҳосил қилинган ва ИГК усули билан таққослаганда ПЗР усулининг клиник аҳамиятининг рақамли қийматини олиш учун математик трапезоидал усул ёрдамида ҳисобланган AUC (area under curve) индикатори ишлатилган. Бизнинг моделimiz учун AUC қиймати 0.857 ± 0.32 ни ташкил этган, бу эса ушбу моделнинг жуда яхши сифатга эгаллигини англатади.

SYBR Green интеркалаторловчи бўёғи ёрдамида ПЗР ўтказиш протоколи асосида 16 та ИГК усулида *HER2* статусига текширилган кўкрак беши саратони ташхиси тасдиқланган беморлардан ажратилган ДНК намуналари *HER2/neu* гени миқдорини аниқлаш учун текширилган. Беморлар 37 дан 80 ёшгача бўлган, ўртача ёши 55 ± 2 ни ташкил қилган: Тошкент вилоятида яшовчи - 3 нафар (18,75%), Самарқанд - 2 нафар (12,5%), Фарғона - 2 нафар

(12,5%), Сирдарё вилоятида яшовчи - 2 нафар (12,5%) ва Тошкент шаҳрида яшовчи - 7 нафар (43,75%).

Кўкрак беи саратони ташхиси тасдиқланган беморларнинг қони ва ўсимта тўқималаридан ажратиб олинган ДНК намуналарида *SYBR Green* ПЗР протоколи асосида *HER2* ва β -глобин генларининг амплификацияси 20 дан 33 циклгача параллел равишда давом этган. 8та (50%) намунада *HER2*-мусбат, 8та (50%) намунада *HER2*-манфий вариант аниқланган. *HER2*-мусбат намуналарнинг *Ct* – цикл кўрсаткичлари орасидаги фарқ $4,01 \pm 0,053$ дан $5,2 \pm 0,037$ гача, *HER2*-манфий намуналар учун $0,7 \pm 0,058$ дан $3,75 \pm 0,068$ гачани ташкил қилган.

ТақМан гибридизацион зондлари ёрдамида ишлаб чиқилган айни вақтдаги ПЗР протоколи орқали кўкрак беи саратони ташхиси тасдиқланган 16та бемор ўсимта тўқимаси намуналарида *HER2* статуси текширилганда 9 та (56,25%) намуналарда *HER2*-мусбат, 7 та (43,75%) намунада *HER2*-манфий аниқланган. *HER2*-мусбат намуналарнинг *Ct* – цикл кўрсаткичлари орасидаги фарқ $5,48 \pm 0,047$ дан $10,87 \pm 0,055$ гача, *HER2*-манфий намуналар учун $0,56 \pm 0,018$ дан $3,5 \pm 0,027$ гачани ташкил қилган.


Шунингдек, ушбу тадқиқотда ошқозон саратони ташхиси тасдиқланган 35 дан 82 ёшгача (ўртача ёши 56 ± 2) бўлган, 58 нафар беморда ПЗР ўтказилган. Улардан 30 нафар эркак ва 28 нафар аёлдан иборат. Барчаси Наманган вилоятининг худудларида яшовчи фуқаролар.

SYBR Green ПЗР протоколи асосида *HER2/neu* ва β -глобин генларининг амплификацияси 21 дан 36 циклгача бўлган ораликда параллел равишда ўтган. Натижада 15та (25,86%) намунада *HER2*-мусбат, 43та (74,14%) намунада *HER2*-манфий вариантлар аниқланган. *HER2*-мусбат намуналарнинг *Ct* – цикл кўрсаткичлари орасидаги фарқ $4,12 \pm 0,026$ дан $6,8 \pm 0,047$ гача, *HER2*-манфий намуналар учун $0,7 \pm 0,045$ дан $3,89 \pm 0,056$ гачани ташкил қилган.

ТақМан гибридизацион зондлари ёрдамида ишлаб чиқилган айни вақтдаги ПЗР протоколи орқали ошқозон саратони билан оғриган 58та бемор ўсимта тўқимаси намуналарида *HER2* статуси текширилган. Барча намуналарда, қон ва тўқима намуналаридан ажратиб олинган ДНК намуналарида *HER2* ва β -глобин генларининг амплификацияси 19 дан 35 циклгача бўлган ораликда параллел равишда ўтган. Натижада 16 (27,59%) намунада *HER2*-мусбат, 42 та (72,41%) намунада *HER2*-манфий вариант аниқланди. *HER2*-мусбат намуналарнинг *Ct* – цикл кўрсаткичлари орасидаги фарқ $4,01 \pm 0,075$ дан $11,84 \pm 0,038$ гача, *HER2*-манфий намуналар учун $0,3 \pm 0,038$ дан $3,75 \pm 0,081$ гачани ташкил қилган.

Мазкур маълумотларга таянган ҳолда ошқозон саратони ва кўкрак беи ўсимта тўқималаридаги *HER2* ва β -глобин генларининг *Ct* – цикл кўрсаткичлари орасидаги фарқ асосида *HER2* генининг миқдори учун чегара қиймати $\Delta Ct = 4,0$ эканлиги аниқланган. Чегара қийматининг мавжудлиги ўрганилаётган тўпламни айни вақтдаги ПЗР асосида *HER2/neu* генининг нусхалари миқдorigа кўра гуруҳларга ажратиш имконини беради. 76

намунадан *SYBR Green* интеркалирловчи бўёғи ёрдамида ПЗР ўтказиш протоколи асосида 24 та ҳолатда онкогеннинг мусбат варианты аниқланган, бу 31,57% ни ташкил этган, 52 та (68,43%) намунада *HER2*-манфий вариант аниқланган. *TaqMan* гибридизацион зондлари ёрдамида ишлаб чиқилган айни вақтдаги ПЗР протоколи ёрдамида 76 беморнинг *HER2* статус бўйича 26 тасида (34,21%) *HER2*-мусбат, 50 (65,79%) ҳолатда онкогеннинг манфий варианты аниқланган (3-расм).



3-расм. *HER2* статуси учун айни вақтдаги ПЗР *TaqMan* ва *SYBR Green* усуллари натижаларининг қиёсий таҳлили (n=16)

Курабайши ва бошқаларнинг тадқиқотлари шуни кўрсатадики, *HER2/neu* рецепторларнинг ранги ва сонига кўра, ИГК натижалари (0), (+1), (+2), (+3) га бўлинади. Бунда (0), (+1) бўлганда, *HER2* статуси, шубҳасиз, *HER2*-манфий деб ҳисобланади. Бўяшнинг интенсивлиги ва мутахассиснинг тажрибасидан келиб чиққан ҳолда (+2), *HER2*-манфий ёки *HER2*-мусбат бўлиши мумкин. (+3) натижаси *HER2*нинг мусбат ҳолатини кўрсатади. ИГК ва ПЗР бўйича тест натижаларини таққослаш кўкрак беги ўсимта тўқималарининг 16 намунасида ўтказилган, уларнинг натижалари 2-жадвалда келтирилган (2-жадвал).


2-жадвал.

***HER2* статуси учун айни вақтдаги ПЗР ва ИГХ усуллари натижаларининг қиёсий таҳлили (n=16)**

Айни вақтдаги ПЗР натижалари	ИГК натижалари									
	Score 0		Score +1		Score +2		Score +3		Жами	
	2	4	3	7	16					
	ПЗР SYBR Green	ПЗР TaqMan	ПЗР SYBR Green	ПЗР TaqMan	ПЗР SYBR Green	ПЗР TaqMan	ПЗР SYBR Green	ПЗР TaqMan	ПЗР SYBR Green	ПЗР TaqMan
<i>HER2</i> -мусбат					2	3	6	6	8	9
<i>HER2</i> -манфий	2	2	4	4	1		1	1	8	7
Жами	2	2	4	4	3	3	7	7	16	16

Айни вақтдаги ПЗР *SYBR Green* ва ПЗР *TaqMan* натижалари ИГК натижаларига тўлиқ мос келишини кўрсатмоқда. 16 та намунадан фақат битта намуна айни вақтдаги ПЗР усулининг икки протоколи орасида фарқли

кўрсаткичларни кўрсатган. ИГК усули бўйича (+2) индикатор остида 3 та намуна мавжуд, айти вақтдаги ПЗР *SYBR Green* бўйича улардан 2 таси *HER2*-мусбат, биттаси *HER2*-манфий. Айти вақтдаги ПЗР *TaqMan* протоколига кўра, барча 3 намуналар *HER2*-мусбатдир. Айти вақтдаги ПЗР усулининг *SYBR Green* ва *TaqMan* протоколлари ўртасидаги фарқ 6,25% ни ташкил этган (4-расм). Бундан келиб чиқиб ПЗР *TaqMan* ПЗР *SYBR Green* га нисбатан 6,25% га юқори спецификликга эга дейиш мумкин.



4-расм. Айти вақтдаги ПЗР ва ИГК усуллари билан *HER2* статусини аниқлаш натижаларини таққослаш

SYBR Green интеркалаторлиги бўёғи ёрдамида ПЗР ўтказиш протоколи билан ИГК усули натижаларини таққослаш 87,5% га, *TaqMan* гибридизация зондлари ёрдамида ишлаб чиқилган реал вақтдаги ПЗР протоколи билан ИГК усули натижалари эса 93,75% га мос келган. ИГК натижалари билан тафовутни шундай тушунтириш мумкин, ДНК даражасида ген миқдорининг кўпайиши кузатилмаслиги мумкин, лекин ИГК усули ёрдамида оксилларнинг кўпайишини аниқлаш билан *HER2* статусини баҳолашга имкон беради. Шунингдек, натижалар ўртасидаги тафовут, *HER2/neu* рецепторлари оксилларининг умумий таркибини аниқлашга асосланган ИГХ усулининг етарлича такомиллашмагани билан боғлиқ бўлиши мумкин. Шунга қарамай, аксарият ҳолларда айти вақтдаги ПЗР усули ИГК билан мос келган.

Диссертациянинг тўртинчи «Саратон касалликларида *HER2* статуси билан биокимёвий мезонлар ва касаллик хусусиятлари ассоциациясини ўрганиш» деб номланган бобида *HER2* статусинининг саратон касалликлари билан боғлиқлиги тадқиқ қилиниб олинган натижалар муҳокамаси келтирилган.

Кўкрак беши саратони ташхиси тасдиқланган беморларнинг клиник маълумотларига кўра, қон плазмасидаги умумий оксил миқдори 36,4 дан 84 г/л гача, аспартаминотрансфераза ва аланинаминотрансфераза ферментларининг миқдори мос равишда 0,34-1,05 мкмол/мл ва 0,34-0,86

мкмол/мл ни ташкил қилди. *HER2* статусинининг турли ҳолатлари учун ушбу кўрсаткичлар 3-жадвалда келтирилган (3-жадвал).

3-жадвал.

Кўкрак беи саратонида *HER2* статуси билан биокимёвий мезонлар кўрсаткичларининг боғлиқлиги

<i>HER2</i> статуси	Қон зардоби умумий оқсил (г/л)	Аспарат аминотрансфераза (АсТ) (мкмоль/мл)	Аланин Аминотрансфераза (АлТ) (мкмоль/мл)
<i>HER2</i> – мусбат	36,4-84	0,34-1,05	0,34-0,8
<i>HER2</i> – манфий	39-73,4	0,6-1	0,4-0,86

Маълумотларни қайта ишлаш жараёнида биокимёвий мезонлар кўрсаткичларининг *HER2* статуси билан ўзаро боғлиқлик коэффициенти ўрганилди. Натижада *HER2* статуси билан аспартатаминотрансфераза ферменти миқдорининг корреляцион коэффициенти энг юқори $r = 0.72$ кўрсаткични намоён қилди. Мазкур маълумотлар асосида кўкрак беи саратонида *HER2* статуси аланинаминотрансферазага нисбатан аспартатаминотрансфераза ферменти миқдори билан яхши боғлиқликга эгаллиги ҳақида хулоса қилиш мумкин. Бу кўкрак беи саратонида аминокислоталар алмашинуви жараёнида аспартатаминотрансфераза фаоллиги нисбатан ортишини англатади.

Кўкрак беи саратони ташхиси тасдиқланган беморларда биокимёвий мезонларнинг турли кўрсаткичлари учун *HER2* гени миқдорини аниқлаш учун ишлаб чиқилган ПЗР усули протоколидан фойдаланиш имкониятини ўрганиш учун Фишер тести ўтказилди. *HER2* статуси ва кўкрак беи саратони ташхиси тасдиқланган беморларнинг биокимёвий мезонлар кўрсаткичлари ўртасидаги ўзаро боғлиқликнинг статистик таҳлили 4-жадвалда келтирилган (4-жадвал).

4-жадвал.

Кўкрак беи саратони ташхиси тасдиқланган беморларда биокимёвий мезонларнинг *HER2* статуси билан боғлиқлиги

Мезон	Онкоген дозасининг намоён бўлиши	Корреляция коэффициенти	Р _{Фишер}
Умумий оқсил	0,1360	0,58	0,8281
Аспартатаминотрансфераза (АсТ)	0,1813	0,72	0,7621
Аланинаминотрансфераза (АлТ)	0,1747	0,63	0,7500

Мазкур таҳлил асосида айни вақтдаги ПЗР асосида аниқланган *HER2* статусининг кўкрак беи саратони касалликларида биокимёвий мезонлар кўрсаткичларига боғлиқ эмас ($p > 0,05$) деган хулоса қилиш мумкин.

Ошқозон саратони ташхиси тадиқланган беморларнинг клиник маълумотларига кўра, қон плазмасидаги умумий оқсил миқдори 24 дан 80 г/л гача, АсТ ва АлТ ферментларининг миқдори мос равишда 0,2-1,18 мкмоль/мл ва 0,9-0,34 мкмоль/мл ни ташкил қилди. *HER2* статусинининг турли ҳолатлари учун ушбу кўрсаткичлар 5-жадвалда келтирилган (5-жадвал).

Ошқозон саратони *HER2* статуси билан биокимёвий мезонлар кўрсаткичларининг боғлиқлиги

Статус <i>HER2</i>	Қондаги умумий оқсил миқдори (г/л)	Аспарат аминотрансфераза (АсТ) (мкмоль/мл)	Аланин Аминотрансфераза (АлТ) (мкмоль/мл)
<i>HER2</i> – мусбат	28,9-80	0,3-1,08	0,34-0,81
<i>HER2</i> – манфий	24-78,9	0,2-1,18	0,35-0,9

Маълумотларни қайта ишлаш жараёнида биокимёвий мезонлар кўрсаткичларининг *HER2* статуси билан ўзаро боғлиқлик коэффициенти ўрганилди. Натижада *HER2* статуси билан АсТ ферменти миқдорининг корреляцион коэффициенти энг юқори $r = 0.73$ эканлигини кўрсатди. Мазкур маълумотлар асосида ошқозон саратонида *HER2* статуси АлТ га нисбатан АсТ ферменти миқдори билан яхши боғлиқликга эгаллиги хақида хулоса қилишга имкон беради. Бу ошқозон саратонида аминокислоталар алмашинуви жараёнида АсТ фаоллиги нисбатан ортишини англатади.

Ошқозон саратони ташхиси тасдиқланган беморларда биокимёвий мезонларнинг турли кўрсаткичлари учун *HER2* гени миқдорини аниқлаш учун ишлаб чиқилган ПЗР усули протоколидан фойдаланиш имкониятини ўрганиш учун Фишер тести ўтказилди. *HER2* статуси ва кўкрак беши саратони ташхиси тасдиқланган беморларнинг биокимёвий мезонлар кўрсаткичлари ўртасидаги ўзаро боғлиқликнинг статистик таҳлили 6-жадвалда келтирилган (6-жадвал).

Ошқозон саратони ташхиси тасдиқланган беморларда биокимёвий мезонларнинг *HER2* статуси билан боғлиқлиги

Мезон	Онкоген дозасининг намоён бўлиши	Корреляция коэффициенти	$P_{\text{Фишер}}$
Умумий оқсил	0,075	0,54	0,7948
аспартатаминотрансфераза (АсТ)	0,2280	0,73	0,2654
Аланинаминотрансфераза (АлТ)	0,1433	0,59	0,7621

Ушбу тадқиқотда айни вақтдаги миқдорий ПЗР тести натижасида олинган *HER2* статуси билан қондаги умумий оқсил миқдори (КБС – $P_{\text{Фишер}}=0,8281$, ОС – $P_{\text{Фишер}}=0,7948$), АсТ (КБС – $P_{\text{Фишер}}=0,7621$, ОС – $P_{\text{Фишер}}=0,2654$), ҳамда АлТ миқдори (КБС – $P_{\text{Фишер}}=0,7500$, ОС – $P_{\text{Фишер}}=0,7621$) ўртасида статистик аҳамиятга эга боғлиқлик аниқланмади.

Статистик таҳлиллар натижасида АсТнинг *HER2* статусининг иккала варианты билан АлТга нисбатан юқори корреляция коэффициенти эгаллиги аниқланди, бу кўкрак беши ва ошқозон саратонида аминокислоталар алмашинуви жараёнида АсТ фаоллиги ошганлигини англатади, аммо шунга қарамай, бу кўрсаткич аҳамиятли боғлиқликга эга эмас. Биокимёвий мезонлар кўрсаткичи ва *HER2* статуси ўртасида статистик жиҳатдан аҳамиятли боғлиқликнинг йўқлиги ($p>0,05$) ошқозон ва кўкрак беши саратони ташхиси тасдиқланган барча беморларда онкоген нусхаларини айни вақтдаги

ПЗР амплификацияси учун маълум чегаравий қийматдан фойдаланиш имкониятини кўрсатади.

Тадқиқотда *HER2* статуси билан жаҳон стандарт таснифи бўйича саратон босқичлари ўртасидаги боғлиқлик ўрганилган. Кўкрак беги саратони ташхиси тасдиқланган 16 нафар беморларнинг 2таси (12,5%) I босқич, биттаси (6,25%) касалликнинг II босқичида, 3та (18,75%) бемор III босқичида, 4 (25%) IIIА, улардан 2 (12,5%) нафари IIIБ босқичида бўлган, 3таси (18,75%) IIIС босқичида ва биттаси (6,25%) кўкрак беги саратонининг IV босқичида бўлган. Айни вақтдаги ПЗР асосида аниқланган *HER2* статуси ва кўкрак беги саратони босқичлари ўртасидаги боғлиқликни ўрганиш натижалари шуни кўрсатдики, IIIБ, IIIА ва IIIБ босқичларида *HER2*-мусбат вариант тенг миқдорда (12,50%) намоён бўлган ва касалликнинг IIIС ва IV босқичларида онкогеннинг манфий варианты умуман аниқланмади айни вақтдаги ПЗР *SYBR Green* протоколи натижаларига кўра, *HER2*-манфий вариант кўкрак беги саратонининг IIIС босқичида энг катта кўрсаткични кўрсатган, IIIА ва IIIБ босқичларида онкоген миқдорининг кўпайиши аниқланмаган. Айни вақтдаги ПЗР *TaqMan* протоколига кўра, *HER2* статусининг мусбат варианты кўкрак беги саратонининг IV босқичида, *HER2*-манфий варианты IIIА ва IIIБ босқичларида аниқланмаган.

HER2 статуси ва кўкрак саратони босқичлари ўртасидаги боғлиқлик касалликнинг турли босқичларида турли кўрсаткичларни кўрсатади, деган хулосага келинган. Хусусан, айни вақтдаги ПЗР *SYBR Green* ва айни вақтдаги ПЗР *TaqMan* протоколлари асосида кўкрак беги саратонида IIIА босқичида фақат мусбат вариантлар аниқланган ва IV босқичида фақат *HER2* статусининг манфий вариантлари аниқланган.

Ошқозон саратони ташхиси қўйилган беморларнинг клиник маълумотлари тавсифи асосида касалликнинг босқичлари ўрганилган. 58 нафар беморда касалликнинг барча I, II, III, IV босқичлари учраган. Улардан: 4 таси (6,89%) IA босқичида, 5 таси (8,62%) IB босқичида, 5 таси (8,62%) IIA босқичида, 4 таси (6,89%) IIB босқичида, 4таси (6,89%) IIIА босқичида, IIB босқичида 6 та (10,34%), IIIС босқичида 8 та (13,79%) ва ошқозон саратонининг IV босқичида 22та (37,93%) ни ташкил қилган. Айни вақтдаги ПЗР ёрдамида аниқланган *HER2* статуси ва ошқозон саратони босқичлари ўртасидаги ассоциациясини ўрганиш натижаларига кўра, IA босқичида *HER2* статуси мусбат ва манфий вариантлар тенг (3,44%) миқдорни ташкил қилган, қолган босқичларда *HER2* нинг мусбат вариантлари миқдори манфий вариант миқдоридан ошиб кетгани кузатилган. Касалликларнинг барча босқичлари орасида IV босқичида *HER2*-мусбат вариант энг кўп қисмини ташкил қилган.

Натижалар шуни кўрсатадики, IV босқичидаги ошқозон саратонида айни вақтдаги ПЗР *SYBR Green* ва айни вақтдаги ПЗР *TaqMan* протоколлари бўйича *HER2* статуси вариантлари миқдори орасида фарқ аниқланди. Ошқозон саратони босқичлари ва *HER2* статуси ўртасидаги бу фарқни кўпчилик беморларни касалликнинг охириги босқичида шифокорларга муружаат қилганлари ва дунё бўйича ўрганилган статистикага кўра,

HER2/neu гени миқдорининг кўпайиши касалликда умумий ҳолда кичик фоизларида аниқланиши билан изоҳлаш мумкин.

Ушбу тадқиқот доирасида касалликнинг босқичлари ва айти вақтдаги ПЗР кўрсаткичлари бўйича тажриба натижалари асосида олинган *HER2* статуси ўртасидаги боғлиқлик аниқланди. Ошқозон ва кўкрак беги саратони ташхиси тасдиқланган беморларнинг касаллик босқичлари билан *HER2/neu* гени миқдорининг кўпайиши частотаси таҳлили ҳам ўтказилди. Умумий таҳлил маълумотлари 7- ва 8-жадвалда келтирилган.

7-жадвал

Кўкрак беги саратони хусусиятлари билан *HER2* статуси ўртасидаги боғлиқликни статистик таҳлил натижалари (n=16)

Критерий	Кичик гуруҳлар	Кўрсаткичлар			
		<i>HER2/neu</i> гени миқдорининг намоён бўлиши, медиана	<i>HER2/neu</i> гени миқдорининг кўпайиши частотаси (%)	P	P _{Фишер}
Ёш бўйича гуруҳлар	55 гача	0,079	31,25	P _{Уилкоксон} 0,7123	0,7631
	55 ёшдан катта	0,062	25		
Саратон босқичлари	I босқич	0,080	6,25	P _{Краскел} Уоллис 0,8156	0,6642
	II босқич	0,070-0,080	18,75		
	III босқич	0,070-0,080	28,12		
	IV босқич	0,070	0		

8-жадвал

Ошқозон саратони хусусиятлари билан *HER2* статуси ўртасидаги боғлиқликни статистик таҳлил натижалари (n=58)

Критерий	Кичик гуруҳлар	Кўрсаткичлар			
		<i>HER2/neu</i> гени миқдорининг намоён бўлиши, медиана	<i>HER2/neu</i> гени миқдорининг кўпайиши частотаси (%)	P	P _{Фишера}
Ёш бўйича гуруҳлар	55 гача	0,083	8,62	P _{Уилкоксон} 0,6271	0,7937
	55 ёшдан катта	0,046	17,24		
Саратон босқичлари	I босқич	0,090	6,89	P _{Краскел} Уоллис 0,8237	0,6571
	II босқич	0,070-0,080	3,44		
	III босқич	0,070-0,080	6,89		
	IV босқич	0,070-0,080	8,72		
Беморлар жинси	Аёллар	0,064	13,79	P _{Уилкоксон} 0,7224	0,7132
	Эркаклар	0,078	12,06		

Айти вақтдаги ПЗР асосида ўтказилган текширувлар натижасида олинган *HER2* статуси ва беморларнинг ёши (ОС – P_{Уилкоксон}=0,6271, КБС – P_{Уилкоксон}=0,7123), касалликнинг босқичи (ОС – P_{Краскел Уоллис}=0,8237, КБС – P_{Краскел Уоллис}=0,8156), шунингдек беморларнинг жинси (P_{Уилкоксон}=0,7224) ўртасида статистик аҳамиятга эга бўлган боғлиқлик ўрнатилмаган. *HER2/neu* гени миқдорининг кўпайиши частотаси, беморларнинг ёш бўйича гуруҳларида (ОС – P_{Фишер}=0,7937, КБС – P_{Фишер}=0,7631), касалликнинг турли босқичларида (ОС – P_{Фишер}=0,6571, КБС – P_{Фишер}=0,6642) фарқ қилмаган,

шунингдек, беморларнинг жинсига боғлиқ ($P_{\text{Фишер}}=0,7132$) бўлмаслиги кўрсатилган.

Касалликларнинг характеристикаси ва *HER2* статуси ўртасида статистик жиҳатдан аҳамиятли боғлиқликнинг йўқлиги ($p>0,05$) ошқозон ва кўкрак беги саратони ташхиси тасдиқланган барча беморларда *HER2/neu* гени миқдорининг кўпайиши аниқлашда айна вақтдаги ПЗР орқали амплификация ўтказиш учун маълум чегаравий қийматдан фойдаланиш имкониятини кўрсатади.

ХУЛОСА

1. Саратон касалликлари ўсимта тўқималаридан айна вақтдаги ПЗР да қўллаш учун яроқли юқори сифат ва миқдорга эга ДНК ажратишнинг янги самарали тартиби таклиф қилинди.

2. *HER2/neu* генининг миқдорини аниқлаш учун *HER2* ва β -глобин генлари *Ct* цикл кўрсаткичлари фарқига асосланган айна вақтдаги ПЗР ўтказишнинг иккита янги тартиблари таклиф этилган.

3. *HER2/neu* генининг миқдори учун *HER2* ва β -глобин кўрсаткичлари фарқига асосланган $\Delta Ct=4,0$ дан кам бўлмаган чегара қиймати аниқланди, бу чегара қийматининг мавжудлиги кўкрак беги ва ошқозон саратони касалликларини юқори сезгирлик билан *HER2*-мусбат ва *HER2*-манфий гуруҳларга ажратиш имконини беради.

4. Кўкрак беги саратони ўсимта тўқималарида ТаqМаn протоколи ёрдамида аниқланган *HER2* генининг миқдори иммуногистохимё усулининг натижалари билан яхши боғлиқлик кўрсатди.

5. Мазкур тартиб асосида ошқозон саратони ташхиси тасдиқланган 58 та беморнинг 15 нафари (25,86%) да, 16 та кўкрак беги саратони намуналаридан 7 таси (43,75%) да *HER2* генининг миқдори ортиши билан изоҳланади.

6. *HER2* статусининг параметрлари ошқозон ва кўкрак беги саратони касалликлари биокимёвий мезонлар кўрсаткичларига ва касаллик хусусиятларига боғлиқ эмас ($p>0,05$), бу барча беморларда айна вақтдаги ПЗР натижаларига кўра онкоген нусхалари миқдорининг ортишини кўрсатувчи маълум чегаравий қийматдан фойдаланиш мумкинлигини кўрсатади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.В.01.13 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ИНСТИТУТА БИОФИЗИКИ И БИОХИМИИ
ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА**

ИНСТИТУТ БИОФИЗИКИ И БИОХИМИИ

РУСТАМОВА ШОХИСТА ОМОНЖОНОВНА

**ИССЛЕДОВАНИЕ КОЛИЧЕСТВЕННЫХ ВАРИАНТОВ ГЕНА
HER2/NEU ПРИ ОПУХОЛЕВЫХ ЗАБОЛЕВАНИЯХ**

03.00.01 – Биохимия

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
БИОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент-2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) по биологическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2019.2.PhD/B292.

Диссертация выполнена в Институте биофизики и биохимии при Национальном университете Узбекистана имени Мирзо Улугбека.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета www.ibb-nuu.uz и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net).

Научный руководитель:

Турдикулова Шахлохон Уткуровна
доктор биологических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Юлдашев Насирджан Мухамеджанович
доктор биологических наук, профессор

Мухамедов Рустам Султанович
доктор биологических наук, профессор


Ведущая организация:

Центр геномики и биоинформатики

Защита диссертации состоится «14» октября 2020 г. в 14.00 часов на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019.B.01.13 при Институте Биофизики и биохимии, Национальном университете Узбекистана. Адрес: 100174, г.Ташкент, Алмазарский район, Студенческий городок, улица Университетская, 174. Тел.: (+99871) 246-68-96.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института Биофизики и биохимии при Национальном университете Узбекистана (зарегистрировано под № 20). Адрес: 100174, г.Ташкент, Алмазарский район, Студенческий городок, Университетская, 174. Тел.: (+99871) 246-68-96, e-mail: ibb-nuu@mail.ru.

Автореферат диссертации разослан: «29» сентября 2020 г.
(реестр протокола рассылки № 1 от «29» сентября 2020).



Сабилов Равшан Заирович
Председатель Научного совета по присуждению
ученых степеней, д.б.н., профессор, академик

Позилев Маъмуржон Комилжонович
Ученый секретарь Научного совета по присуждению
ученых степеней, и.о., д.б.н., старший научный сотрудник

Кадырова Дилбар Абдуллаевна
Председатель Научного семинара при Научном совете
по присуждению ученых степеней, д.б.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В настоящее время рак является одним из самых опасных заболеваний в мире, так как рак молочной железы занимает второе место в мире после рака легких (2,09 миллиона случаев) а рак желудка шестое (1,03 миллиона случаев). Одним из опухолевых маркеров рака молочной железы и рака желудка является *HER2/neu*, и его амплификация и/или гиперэкспрессия выявляется в 15-30% случаев рака молочной железы и 9-15% случаев рака желудка. Индивидуальный подход к выбору специального лечения с применением таргетной терапии в каждом конкретном случае, в том числе к устранению назначения дорогостоящих и, зачастую, токсичных препаратов, диктует необходимость выбора оптимальных диагностических подходов в определении *HER2*-статуса.

В исследованиях, проводимых крупными научными центрами по всему миру, ведутся поиски по совершенствованию методов, основанных на экспрессии генов, гиперэкспрессии мРНК и экспрессии белков, с целью разработки оптимальных методов диагностики для определения статуса *HER2/neu*. В настоящее время наиболее эффективными методами оценки активации *HER2/neu* являются иммуногистохимия, также технологии флуоресцентной *in situ* гибридизации (FISH) и хромогенной *in situ* гибридизации (CISH), позволяющие определять уровень амплификации *HER2*. Однако отсутствие специального оборудования и высокая стоимость реагентов ограничивают рутинное использование технологий иммуногистохимии, FISH/CISH. Разработка протокола полимеразной цепной реакции в реальном времени (ПЦР) для определения статуса *HER2* на уровне ДНК с высоким преимуществом, чувствительностью, возможностью получения результата с минимальным количеством ДНК в образце является крайне востребованным.

В нашей стране разработаны методы определения количества гена *HER2/neu* в опухолевой ткани. На основе мероприятий по этому направлению удалось повысить эффективность оценки возможности применения таргетной терапии для лечения опухолевых заболеваний. В стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан, определены задачи по «Созданию эффективных механизмов поощрения инновационной и научно-исследовательской деятельности, внедрению инновационных и научно-исследовательских достижений в практику» и «Совершенствованию системы здравоохранения и социальной защиты населения»². В связи с этим, важную роль играет разработка подходящих тест-систем, путем определения количественных вариантов гена *HER2/neu* при опухолевых заболеваниях, изучение связи со специфическими особенностями заболевания, а также внедрение новых методов исследований.

² Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 г. № УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Узбекистан»

